

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь–июнида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 26 599,5 млрд.сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 7,5 миллиард АҚШ долларини) ёки 2016 йил мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,3 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯИМга нисбати 25,9 фоизни ташкил қилиб, 2016 йил январь–июнига нисбатан 0,1 фоизга камайди.


2017 йил январь–июнида молиялаштириш манбалари ва мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

(яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)

	<i>Жами</i>	<i>Шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>	
		<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
Жами инвестициялар, млрд.сўм	26 599,5	3 015,8	23 583,7
<i>шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	1 298,5	81,9	18,1
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	798,7	91,8	8,2
корхоналар ва аҳоли маблағлари	12 809,8	6,2	93,8
чет эл инвестициялари ва кредитлари	6 556,4	5,7	94,3
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	3 176,8	1,3	98,7
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	1 929,9	–	100,0
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	29,4	48,2	51,8

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Ўзбекистон Республикаси инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

2017 йил январь–июнь ҳолатига алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд.сўм)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича ифодаланади:

(млрд.сўм)

	<i>Январь–июнь</i>			
	<i>2016 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан, фоизда</i>	<i>2017 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан, фоизда</i>
Жами	22 304,8	100,0	26 599,5	100,0
шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	794,4	3,6	866,3	3,3
тоғ-кон саноати	3 626,0	16,3	5 681,4	21,4
ишлаб чиқариш саноати	3 170,9	14,2	3 697,6	13,9
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1 007,4	4,5	1 653,5	6,2

давоми

	<i>Январь–июнь</i>			
	<i>2016 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан, фоизда</i>	<i>2017 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан, фоизда</i>
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	251,6	1,1	234,3	0,9
қурилиш	1 321,7	5,9	956,0	3,6
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	1 080,8	4,9	1 306,3	4,9
ташиш ва сақлаш	2 215,8	9,9	2 183,7	8,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	180,5	0,8	725,0	2,7
ахборот ва алоқа	584,3	2,6	809,5	3,0
молиявий ва суғурта фаолияти	181,1	0,8	231,1	0,9
профессионал, илмий ва техник фаолият	265,8	1,2	1 077,3	4,0
таълим	711,5	3,2	451,5	1,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	491,0	2,2	280,2	1,1
Бошқа иқтосодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	4 976,8	22,3	5 166,8	19,4
санъат, кўнгиш очиш ва дам олиш	201,2	0,9	234,2	0,9
бошқа фаолият турлари	1 244,0	5,6	1 044,8	3,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ–кон саноатида – 5681,1 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 21,4 фоиз), шундан хом нефть ва табиий газ қазиб олиш – 5307,7 млрд.сўм (20,0 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 3697,6 млрд. сўм, (13,9 фоиз) шундан озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 500,3 млрд. сўм (1,9 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 636,9 млрд. сўм (2,4 фоиз), кимё маҳсулотлари – 477,6 млрд. сўм (1,8 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 519,3 млрд. сўм (2,0 фоиз), металлургия – 474,5 млрд. сўм (1,8 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 1653,5 млрд. сўм (6,2 фоиз), қурилиш – 956,0 млрд. сўм (3,6 фоиз), ташиш ва сақлаш – 2183,7 млрд. сўм (8,2 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 1306,3 млрд. сўм (4,9 фоиз), ахборот ва алоқа – 809,5 млрд. сўм (3,0 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 1077,3 млрд. сўм (4,0 фоиз), таълим – 451,5 млрд. сўм (1,7 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига – 5166,8 млрд. сўмлик (19,4 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар

2017 йил январь–июнида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 6 556,4 млрд.сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 113,8 фоизни ташкил қилди.

2017 йилнинг январь–июнида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	6 556,4	14,5	85,5
давлат	371,1	95,4	4,6
нодавлат	6 185,3	9,7	90,3

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган улуши 90,3 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари куйидаги маълумотлар билан ифодаланади:



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилиши: хом нефть ва табиий газ қазиб олиш жами инвестиция хажмида – 67,6 фоизни ташкил қилиб, 2016 йил январь–июнига нисбатан 34,9 фоиз пунктига ўсган, шунга мос равишда ахборот ва алоқа – 9,9 фоизни, (1,7 фоиз пунктига), кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришда – 2,2 фоизни (0,5 фоиз пунктига) ташкил қилган.

Шу билан бирга, ташиш ва сақлашда – 4,7 фоизга (9,6 фоиз пункти), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийимда – 3,0 фоизга (1,9 фоиз пункти), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда – 1,6 фоизга (11,6 фоиз пункти), нометалл минерал маҳсулотларда – 1,3 фоизга (1,3 фоиз пункти) камайган.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 5166,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар хажмининг 19,4 фоизни ташкил қилди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари куйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

	<i>Барча манбалар ҳисобидан</i>			
	<i>Фойдаланишга топширилди</i>		<i>2016 йил январь–июнига нисбатан фоизда</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>
Уй–жой, умумий майдони минг.кв.м	6 218,0	4 452,4	104,2	101,4
ундан:				
якка тартибдаги уй–жойлар	5 849,3	4 091,5	111,6	111,5
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	364,6	360,9	50,7	х
Сув тармоқлари, км	1 013,5	846,4	118,3	131,9
Газ тармоқлари, км	126,3	75,6	89,9	89,7

2017 йил январь–июнида умумий майдони 6 218,0 минг кв.м. бўлган 41,8 мингта уй ёки 43,6 мингта квартира (2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 104,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 4 452,4 минг кв.м. (101,4 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 1013,5 км сув тармоқлари (846,4 км қишлоқ жойларда) ва 126,3 км газ тармоқлари (75,6 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, мос равишда 2016 йил январь–июнига нисбатан 118,3 ва 89,9 фоизни, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич сув тармоқлари 131,9 фоизни, газ тармоқлари 89,7 фоизни ташкил қилди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиш ва капитал реконструкция ҳисобига 91,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу соғлиқни сақлаш соҳасида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 35,2 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицей ва касб–хунар коллежларини қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 99,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 22,1 фоизини ташкил қилди.

Таълим жараёнини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора–тадбирлар доирасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 181,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 40,2 фоизини ташкил қилди.

Сув тармоқлари қурилишига 106,9 млрд. сўм, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 85,7 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 80,2 фоизи), чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан 0,4 млрд. сўм (0,4 фоизи),

аҳоли маблағлари ҳисобидан 15,6 млрд. сўм (14,5 фоизи), корхона, ташкилотлар ва бошқа манбалар ҳисобидан 5,2 млрд. сўм (4,9 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 3,4 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 3,2 млрд. сўм (умумий ҳажмининг 94,1 фоизи), корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм (5,9 фоизи) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти

2017 йил январь–июнида 16 309,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 108,7 фоизни ташкил этди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

	январь–июнь	
	2016 й.	2017 й.
Қурилиш ишлари, млрд. сўм	13 765,0	16 309,2
<i>шу жумладан:</i>		
давлат	4,7	3,8
нодавлат	95,3	96,2

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 15687,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 96,2 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмида нодавлат секторининг улуши 96,2 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 97,9 фоизни (2016 йилнинг мос даврига нисбатан 0,5 фоизга кўпайди), мос равишда Қашқадарё вилоятида 96,1 фоизни (1,8 пунктга), Бухоро вилоятида 96,0 фоизни (1,1 пунктга), Сирдарё вилоятида 95,9 фоизни (5,1 пунктга) ва Тошкент вилоятида 95,5 фоизни (2,7 пунктга) ташкил қилди.

Шу билан бирга Наманган вилояти 95,6 фоизни 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 0,7 фоизга камайгани кузатилди, Сурхондарё вилояти 94,7 фоизни (0,4 фоиз пунктига) ва Жиззах вилояти 93,2 фоизни (1,0 фоиз пунктига) ташкил қилди. Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 78,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қурулантиришга, 21,4 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.